


II. НАРХЛАР

2018 йилнинг I чорагида истеъмол товарлари ва хизматлар нархлари индекси ўртача 4,9 % га ошди.

2018 йилнинг январь-март ойларида истеъмол нархлари индекси
(ўтган ойга нисбатан, %)



Истеъмол нархлари индекси 2018 йилнинг март ойида 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 104,9 % ни ташкил қилди, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 106,0 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 104,8 % ва аҳолига пуллик хизматлар соҳаси 102,6 %.

2018 йилнинг январь-март ойларида маҳсулот ва хизматлар гуруҳи бўйича истеъмол нархлари индекси динамикаси
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)




2018 йилнинг I чорагида маҳсулотлар нархи 5,5 % га кўтарилиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 1,8 % ни ташкил этган. Хизматлар нархи эса 2,6 % га қимматлашиб, ўртача ойлик ўсиш даражаси 0,9 % ни ташкил қилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 2,0 % ни ташкил этган.

2018 йилнинг I чораги давомида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳининг нархлари ўзгариши


(ўтган ойга нисбатан, %)



2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан мева-сабзавот, гўшт ҳамда сут маҳсулотлари нархи сезиларли даражада қимматлашди.

2018 йилнинг январь-март ойларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси

(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)




2017 йилнинг охирига нисбатан мева ва сабзавотлар нархлари ўзгариши динамикаси бир маромда кечмаганлигининг сабаби асосан мавсумий омиллар билан узвий боғлиқдир. Мева маҳсулотлари нархлари 31,4 % га узум 57,7 % га, олма 42,1 % га, қуруқ мевалар 11,5 % га, банан 9,6 % га сезиларли даражада қимматлашиши шулар жумласидандир. Чорак давомида сабзавот маҳсулотлари нархлари ўртача 11,5 % га ошиб, ушбу гуруҳ ичида бодринг ҳамда помидор нархлари бирмунча юқори суръатда қимматлашган (25,3 % ва 19,5 %). Баъзи сабзавот маҳсулотлари нархларида тушиш қайд этилди. Шулардан, пиёз 7,2 %, сабзи 2,3 % ва карам нархлари ўртача 1,0 % га арзонлашди. Картошка нархи уч ой давомида ўртача 0,8 % га пасайди.

Мол гўшти (суяксиздан ташқари) нархи ўртача 6,2 %, қўй гўшти 5,8 %, суяксиз мол гўшти 3,1 % га қимматлашди. Балиқ ҳамда консерваланган балиқ маҳсулотлари нархи ўртача 13,1 % га кўтарилган бўлса, парранда гўшти эса аксинча, 3,6 % га ва товук болдири, сон қисимлари 0,7 % га арзонлашди.

Сутли маҳсулотлар орасида ўртача гуруҳ индексидан юқори даражада сут 9,6 %, қаймоқ 7,4 % га кўтарилди. Творог 5,3 %, қатик ва чучук қатик 4,5 %, сутли консервалар 4,0 % ҳамда сметана нархлари ўртача 3,9 % га ошди.

Асосий турдаги ёғ-мой маҳсулотларининг нархлари ўзгариши қуйидаги кўринишда тақдим этилган:

2018 йил март ойида ёғ-мой маҳсулотларининг истеъмол нархлари ўзгариши
(ўсиш (+), пасайиш (-) ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Ёрма ва дуккакли маҳсулотлар нархи ўртача 5,4 % га, жумладан, гуруч 7,6 %, ловия 4,9 %, нўхат 4,7 % ва манний ёрмаси 2,0 % га кўтарилди.


Бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан сезиларли даражада кофе ва чой 4,5 %, макарон маҳсулотлари 2,9 %, қандолат маҳсулотлари 2,3 %, буғдой уни 2,0 %, алкогольсиз ичимликлар 1,1 % га қимматлашди. Тухум ҳамда шакар нархи эса мос равишда 10,6 % ва 5,9 % га арзонлашди.

Спиртли ичимликлар нархларининг ошиши 2018 йил 1 январдан эътиборан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига нисбатан янгиланган акциз

солиқларининг жорий этилиши ҳамда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг минимал улгуржи ва чакана сотиш нархларининг қайта белгиланиши билан бевосита боғлиқдир. 2018 йилнинг январь-март ойларида спиртли ичимликларнинг нархи ўртача 9,5 % га қимматлашди.

2018 йилнинг январь-март ойлари давомида ноозик-овқат маҳсулотларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 % ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-март ойларида асосий турдаги ноозик-овқат маҳсулотлар нархлари индекси
(ўтган ойга нисбатан, %)



2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан асосий нарх ўсиши ҳолати босма-нашр маҳсулотларида 14,2 %, қурилиш материалларида 12,2 % ҳамда тамаки маҳсулотларида 8,8 % лик ўсиш суръатлари қайд этилган.

2018 йилнинг январь-март ойларида асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари ўзгариши
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)

<i>Гуруҳлар номи</i>	<i>Нарх индекси</i>
Кийим	105,0
Оёқ кийим	104,4
Қурилиш моллари	112,2
Мебель	103,4
Гилям ва гилям маҳсулотлари	103,7
Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	104,8
Ювиш ва тозалаш воситалари	102,7
Дори-дармонлар	102,7
Автомобиль учун эҳтиёт қисмлар	102,4
Автомобиллар учун ёқилғи	104,6
Китоблар, газеталар ва журналлар	114,2
Шахсий гигиена маҳсулотлари	104,6
Тамаки маҳсулотлари	108,8

Босма нашр маҳсулотлари нархларининг сезиларли даражада қимматлашиши 2018 йилнинг январь ойида кузатилган бўлиб (ой давомида ўртача 13,9 %), мамлакатда чоп этилувчи рўзнома, журнал ва китоблар нархларининг ошиши билан изоҳланади.

Қурилиш материалларидан ғиштнинг нархи уч ой мобайнида ўртача 38,4 %, шпатлёвка 15,1 %, цемент 10,2 %, гулқоғозлар ва ёғоч-тахта маҳсулотлари 7,4 % га қимматлашиши мазкур маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий тадбиркорлар ҳаражатларининг ошиши ва истеъмолчилар томонидан ушбу маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиши ҳамда мавсумий омиллар билан бевосита боғлиқдир.

Республикада ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотларига бўлган акциз солиқларининг кўтарилиши истеъмол бозоридаги ўтган уч ой давомида сигарет ва тамаки маҳсулотларининг 8,8 % га қимматлашишига олиб келди.

Бошқа турдаги ноозик-овқат маҳсулотларидан кийим-кечаклар нархи ўртача 5,0 % га кўтарилиб, шулардан эркаклар кийими 6,3 %, болалар кийими 5,0 % ҳамда аёллар кийими 4,2 % га ошди.

Маиший тўқимачилик маҳсулотлари нархлари индексининг ўсишига асосий таъсир омили сифатида кўрпа-тўшак жилдлари йиғиндиси 7,5 %, тюль 6,7 % ҳамда кўрпа нархларининг 3,3 % га қимматлашиши сабаб бўлди.

Жорий йилнинг январь ойдан бошлаб автомобилларга газ тўлдириш шаҳобчалари орқали аҳолига пропан ҳамда метан газларининг сотиш нархларининг 10,2 % ва 11,2 % га кўтарилиши натижасида автомобиллар учун ёқилғи истеъмол нархлари индексининг умумий ўсишига ўз таъсирини кўрсатди.

Аҳоли учун пуллик хизматлар нархлари индекси йил бошидан 2,6 % га қимматлашиб, ойлик ўртача ўсиш суръати 0,9 % ни ташкил қилган.

Айрим турдаги аҳоли учун пуллик хизматлар тарифлари индекси, %

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил март 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	январь	февраль	март	
Маиший хизматлар	101,2	100,6	101,8	103,7
Уй-жой коммунал хизматлари	100,2	100,6	100,0	100,8
Йўловчи транспорти хизматлари	100,6	102,0	100,9	103,5
Алоқа хизматлари	100,0	101,8	100,0	101,8
Маданият муассасалари хизматлари	100,2	100,0	100,5	100,7
Мактабгача таълим муассасалари хизматлари	111,9	100,0	100,0	111,9
Спорт хизматлари	101,1	100,0	100,0	101,1
Дам олиш хизматлари	114,4	100,0	100,0	114,4


Сихатгоҳларга йўлланмаларнинг нархлари ўртача 22,5 %, меҳмонхона хизматлари 5,3 % ҳамда туристик саёҳат хизматлари 5,1 % га қимматлашиши умумий дам олиш хизматлари нархларининг чорак давомида 14,4 % даражасида ошишига олиб келди.

2018 йилнинг январь ойидан бошлаб мамлакатнинг айрим ҳудудларидаги мактабгача таълим муассасалари хизматлари учун янги тўловлар жорий этилди. Шу билан бирга, айрим ҳудудлар учун ушбу тўловлар миқдори аксинча пасайтирилди (Бухорода 1,3 %, Навоийда 5,7 % ва Фарғона вилоятида 2,9 %).

Асосан хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган маиший турдаги хизматлар нархининг йил бошидан 3,7 % га қимматлашишига амалдаги хизмат тарифлари таннархининг кўтарилиши, шунингдек, талаб ва таклиф қонунига мувофиқ шаклланган ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлди. Сезиларли даражада нархлари қимматлашган хизмат турлари: оёқ кийим таъмирлаш 9,3 %, чеварлик хизматлари 5,9 %, сартарошхона ва косметолог хизматлари 5,7 %, уй-жой таъмирлаш хизматлари 3,9 % га ошган. Ушбу гуруҳга тааллуқли қолган хизмат турлари нархлари умумий гуруҳ ўртача индексидан юқори бўлмаган даражада кўтарилган (3,7 %).

Уй-жой коммунал хизматлари тарифи соҳасида 2018 йилнинг январь-март ойлари давомида жиддий ўзгаришлар кузатилмаган бўлсада, истисно тариқасида республика бўйича совуқ сув ва канализация учун тўловлар ўртача 8,8 %, айрим ҳудудлардаги маиший чиқиндилар учун тўлов (Навоий вилоятида 20,0 % ва Сурхондарёда эса 11,8 %), шунингдек, эксплуатация харажатлари (ХУЖМШ) тўловлари ҳам бир қатор ҳудудларда (Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида 10,6 % ва 12,5 %, Тошкент шаҳрида эса 13,2 %) қимматлашгани кузатилди.

2018 йилнинг январь-март ойларида асосий турдаги йўловчи транспорти хизматлари тарифларининг кўтарилиши
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Йўловчи автомобиль транспорти гуруҳи хизматларининг ошиши замирида асосан шаҳар автобуси транспорти хизматларининг республика бўйича ўртача 3,2 % (нархларнинг ошиши фақатгина Сирдарё вилояти бўйича 1,6 баробарга ҳамда

Бухоро вилоятида 28,8 % га) қимматлашиши кузатилган бўлиб, шунингдек, йўналишли такси хизматлари нархи 2,4 % (Бухоро вилоятида 28,6 % ва Тошкент шаҳрида 3,9 %)га қимматлашди.

Узоқ масофага қатновчи поезд чипталари нархининг 30,4 % га қимматлашиши темирйўл транспорти хизматлари умумий гуруҳи нархларининг кўтарилишига сабаб бўлди.

Ҳаво транспорти хизмати тарифларининг кўтарилиши, кузатилаётган йўналишлардаги авиаташув чипталар нархининг ошиши билан боғлиқ.

Алоқа хизматларининг 1,8 % га қимматлашиши Ўзбектелеком компанияси томонидан аҳоли учун кўрсатиладиган хизматлар тарифларининг оширилиши сабабли юз берди. Маҳаллий телефон тармоғи абонентлик тўловларининг ўртача 27,7 %, шаҳарлараро ҳамда халқаро сўзлашув тарифлари эса ўртача 67,1 % га қимматлашди

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси 2018 йилнинг январь-март ойларида 4,4 % га ошиб, ўртача ойлик ўсиш суръати 1,4 % ни ташкил этди.


Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича нархларнинг ўзгариши, %

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил март 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	январь	февраль	март	
Саноат фаолияти	101,8	101,0	101,5	104,4
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	100,3	100,0	100,2	100,5
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	100,0
Темир рудасини қазиб олиш	100,0	100,0	100,0	100,0
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	104,2	100,3	102,8	107,4
Ишлаб чиқариш саноати	102,7	101,3	101,7	105,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	101,1	100,3	102,7	104,1
Ичимликлар ишлаб чиқариш	102,2	100,5	102,1	104,9

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил март 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	январь	февраль	март	
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	101,6	101,2	100,9	103,7
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,6	100,8	100,0	101,4
Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	103,7	102,1	100,4	106,3
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	108,7	102,2	103,6	115,1
Металлургия саноати	103,9	100,1	100,6	104,6
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	117,1	112,5	100,0	131,7
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	101,2	100,9	100,0	102,1
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	100,0	102,6	104,7	107,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	95,9	98,9	101,4	96,2
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	100,0	101,5	104,2	105,7


2018 йилнинг I чораги давомида тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолиятида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Истесно тариқасида очик шағал ва кум конларини ишлаш, тупроқ ва каолин қазиб олишда ишлаб чиқарувчилар нархи йил бошидан 9,7 %, жумладан, табиий кум 12,6 %, майдаланган тош 10,9 %, шағал 5,9 %, ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун гранит, кумтош ва бошқа тошлар 1,2 % га қимматлашди.

**Ишлаб чиқарувчилар, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти
нархлари индекси**
(ўтган ойга нисбатан, %)



2018 йил январь-март ойлари давомида саноат маҳсулотлари ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси қуйидаги кўринишда тақдим этилган:

**2018 йилнинг январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчилар нархлари индекси**
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Мазкур диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш саноатида республикада ишлаб чиқариладиган тайёр металл буюмлар (машина ва ускуналардан ташқари), мебель ва босма нашр маҳсулотлари нархлари сезиларли даражада қимматлашган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида нархлар ўртача 4,1 % га кўтарилди. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари нархларини 20,1 %, куруқ ширин печенье 14,6 %, йирик шохли моллар учун тайёр озуқалар 7,1 %, зиравор ва доривор маҳсулотлар нархи 5,0 % га қимматлашди. Ишлаб чиқарувчилар кўк чой маҳсулотларига бўлган нархларни 3,9 % га пасайтирдилар.

Ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари нархини ўртача 4,9 % га кўтардилар, жумладан, коньяк спирти 1,9 баробарга, газланган ва газланмаган маъданли сувлар мос равишда 12,8 % ҳамда 12,1 %, узум шароби ўртача 6,3 %, ароқ 6,2 % ва спирт настойкаси 2,4 % га қимматлашди.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари эшилган ипларни 28,6 %, бир қаватли иплар нархини 11,0 %, гилам ва гилам маҳсулотларини 3,3 %, бошқа турдаги техник ва тўқимачилик саноати буюмлари 3,1 % ҳамда ип газламалар нархини ўртача 1,3 % га оширдилар.

Матбаа фаолияти ва унга тааллуқли хизматлар нархининг ошиши журналлар 18,9 % ҳамда даврий нашрлар, яъни, газеталарнинг нархи ўртача 12,6 % га қимматлашишига олиб келди.

Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатида юқори суръатларда метанол 2,0 баробарга ва формальдегид нархлари 1,7 баробарга қимматлашди. Гуруҳга мансуб бошқа маҳсулотлар нархининг ўсиш даражаси қуйидагича:

2018 йилнинг январь-март ойларида алоҳида турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)



Нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан нефть битуми нархи 13,8 %, печ ёқилғилар нархлари 12,9 % ва моторлар учун ёқилғилар 1,0 % га қимматлашди.

Бошқа турдаги нометалл маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари нархларини ўртача 15,1 % га оширдилар. Жумладан, охак ва қурилиш гипслари нархи ўртача 44,7 %, керамик ғиштлар 27,4 %, цемент 22,5 %, асфальт қоришмалари 11,9 %, қайта ишланган ва шакллантирилган шишалар 11,1 %, бетондан ишланган қурилиш буюмлари 4,4 % ва толали цемент нархлари 1,8 % га кўтарилди. Нархларнинг бу даражада ошишига 2018 йилнинг январь ойида ички бозордаги монопол ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари нархларига қатъий белгиланган нарх даражалари борасидаги чекловларни бозор муносабатларига мос равишда тасдиқланмаганлиги ҳам асосий таъсир омили сифатида хизмат қилади (масалан, ишлаб чиқарилувчи цемент маҳсулоти). Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Табиий газ ва электр энергияси етказиб бериш ва реализация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1025 Қарори асосида алоҳида турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари учун фойдаланиладиган табиий газ ҳамда электроэнергия нархларининг оширилган коэффициентлардаги тарифларнинг жорий этилиши ҳам ушбу маҳсулотлар нархига ўз таъсирини ўтказмай қолмади (цемент, ғишт, гипс, асфальт ва ҳ.к.).

Металлургия саноатидаги нархларнинг ўзгариши қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

2018 йилнинг январь-март ойларида металлургия саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси
(ўтган ойга нисбатан, %)



Тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш соҳасида алюминийдан ошхона ёки бошқа маиший буюмлар 77,5 %, қимматбаҳо бўлмаган металллардан бошқа гуруҳларга киритилмаган буюмлар 62,8 %, қора металлдан ясалган конструкциялар 31,9 %, пайвандлаш электродлари 14,7 % ҳамда қора металллардан миноралар ва панжарасимон мачталар нархларида 5,0 %лик ўсиш даражалари кузатилди.

Гидравлик ва пневматик клапанлар 30,0 %, суюқликларни хайдовчи марказдан кочирма насослар 13,2 % ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги техникалари нархларининг 11,5 % га қимматлашиши бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида нарх индексларининг ўзгаришига сабаб бўлди.

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш йўналишидаги асосий нарх ўзгаришлари 2018 йилнинг февраль ва март ойлари давомида қайд этилиб, ой давомида нархлар мос равишда 2,6 % ва 4,7 % га қимматлашди. Умумий тарзда олганда, жорий йилнинг I чораги давомида прицеп ва яримприцеплар 56,9 %, автотранспорт воситалари учун бутловчи қисмлар ва аксессуарлар 24,9 % га қимматлашди. Моторли транспорт воситалари нархлари 2017 йил якунидаги нархлар даражасида сақланиб қолди.

Бошқа турдаги ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари нархларининг ўзгариши куйидаги кўринишда акс эттирилган:

Бошқа турдаги ишлаб чиқариш саноати маҳсулотлари нархларининг ўзгариши, %

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил март 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	январь	февраль	март	
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	104,6	102,2	100,0	106,9
Кийим ишлаб чиқариш	100,0	100,1	100,1	100,2
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	99,0	100,8	100,0	99,8
Мебель ишлаб чиқариш	120,7	100,0	100,0	120,7
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	100,7	101,7	102,4
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	90,3	100,0	101,4	91,6

	ўтган ойга нисбатан			2018 йил март 2017 йил декабрь ойига нисбатан
	январь	февраль	март	


Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	100,0	162,4	118,4	192,3
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	99,8	98,3	101,8	99,9

Чарм ва унга боғлиқ бўлган маҳсулотлар, ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ва бошқа турдаги ишлаб чиқарилувчи маҳсулотлар нархлари 2017 йилнинг декабрь ойидаги нархлар даражасидан ошмаган.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш нархлари индекси газсимон ёқилғини қувур йўли орқали тақсимлаш нархларининг 59,7 % га пасайиши, шунингдек, иссиқлик энергияси 18,7 % ҳамда кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ нархларининг 15,0 % га ошиши таъсирида вужудга келди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасидаги нархлар 2018 йилнинг I чорагида ўртача 5,7 % га ошди.

2018 йил январь-март ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси
(ўтган ойга нисбатан, %)



2018 йилнинг январь-март ойларида таркибида алюминий бўлган иккиламчи хом ашё маҳсулотлари 9,2 %, оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш 6,5 % ва сувни йиғиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш бўйича хизматлар 2,8 % га қимматлашди.